

ТУРГУНОВА Азиза,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси ва педагогика
кафедраси в.б. доценти,
педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
aziza.turgunova.88@mail.ru

ГЕРОНТОПЕДАГОГИКА ВА ГЕРОНТОПЕДАГОГИК ТАЖРИБАДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ

ФИЛОСОФСКО-ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ГЕРОНТОПЕДАГОГИИ И ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ГЕРОНТОПЕДАГОГИЧЕСКОГО ОПЫТА

GERONTOLOGICAL PEDAGOGY AND THE USE OF GERONTOPEDAGOGICAL EXPERIENCE

Аннотация: Мақолада геронтопедагогика соҳасининг Ғарб ва Шарқ дунёқарашида тутган ўрни ҳамда кекса авлод ёшига оид муаммоларнинг тобора кўпайиб ва кескинлашиб бориши, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва керакли зарур илмий-амалий тақлифларни ишлаб чиқиш, мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, масалага янгича ёндашиш масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Кекса авлод, геронтопедагогика, геронтопсихология, педагогика, педагогик технологиялар, ҳаётий тажриба, жамият, фан-техника, маданият, қадрият, таълим тизими,

Аннотация: В предлагаемой статье рассматриваются такие актуальные вопросы, как роль и место геронтопедагогике в школах западного и восточного мировоззрения, а также актуальные проблемы представителей старшего поколения, изучение и анализ вышеуказанных вопросов. Кроме того статья содержит разработку необходимых научно-практических предложений, новый подход к проблеме с учетом существующих условий.

Ключевые слова: старшее поколение, геронтопедагогика, геронтопсихология, педагогика, педагогические технологии, жизненный опыт,

общество, наука и техника, культура, ценности, система образования.

Abstract: The proposed article discusses such topical issues as the role and place of gerontological pedagogy in schools of Western and Eastern worldviews, as well as topical problems of the older generation, the study, and analysis of the above issues. In addition, the article contains the development of the necessary scientific and practical proposals, and a new approach to the problem, taking into account existing conditions.

Keywords: older generation, gerontological pedagogy, geropsychology, pedagogy, pedagogical technologies, life experience, society, science and technology, culture, values, education system.

КИРИШ

Жамиятда ёши улуг одамларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик маданият кўрсаткичларидан бири. Кексаларга хурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган. Ҳақиқатан ҳам, қайси хонадонда нуроний отахон ёки онахон бўлса, бу оилада албатта файзу барака, фаровонлик, аҳиллик бўлишини барчамиз яхши биламиз. Шу боис бугун, турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг унутилмас ва улкан хизмати борлигини, шунингдек, кексаларни эъзозлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини янада улуглаш жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Кекса авлод вакилларининг маслаҳати ва ҳаётий тажрибалари ёш авлоднинг баркамол улғайиши, инсофли, диёнатли, меҳнаткаш ва ҳалол, тўғрисиўз ва одил, оқилу доно бўлиб етишишларининг асосий омили эканлиги илмда исботланган. Ҳар қандай жамиятда қадриятларида кекса авлоднинг улугланиши билан боғлиқ фазилатлар шаклланишининг сабаби ҳам шунда. Бугунги кунда фан-техника тараққиётининг ривожланишида тобора аҳамияти ортиб бораётган ҳамда ижтимоий фанлар тизимида алоҳида мавқега эга бўлган геронтопедагогика соҳасини ўрганиш, тадқиқ қилиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Геронтопедагогика – инсон ҳаётининг кексалик даврининг хусусиятларини, кексалик

ёшидаги одамларнинг билим олиши, тарбияси ва имкониятлари нуқтаи-назаридан тадқиқ қилувчи фан соҳасидир. Ғарб дунёқарашида “Қарияларни тадқиқ қилиш, ўрганиш ва замонавий фан технологияларини ўргатиш илмига “геронтопедагогика” [2:2] дейилса, бизнинг фикримизча бундай ёндашув кекса авлод имконияти ва тажрибаларидан тўлақонли фойдаланиш имкониятини англатмайди. Шунингдек, ғарбда ривожланган ижтимоий-гуманитар ва фалсафий фанларда кексалик ёши инсон умрининг алоҳида категориял даври сифатида ўрганилади ва “учинчи ёш” деб номланади [4:701]. Ўз хусусиятига кўра ҳаёт давомийлигининг бу даври – инсонда қариликнинг бошланиши билан боғланган физиологик ўзгаришларнинг рўй бериши ва жисмоний қудратининг камайиши натижасида профессионал машғулоти характеридаги меҳнат соҳасидан – дам олиш соҳасига ўтишини англатади [6:367]. Ҳар қандай инсон ҳаётида содир бўлиши лозим бўлган жараён – яъни нафақага чиқиш, аслида унинг муҳим даври бўлиб, бу ўз навбатида инсонда руҳий ва экзистенциал мураккабликларни ҳам келтириб чиқаради. Мана шундай муаммоларни бартараф этишнинг умумий ва мақбул йўллари топиш, кексалар тажрибаларидан фойдаланиш, руҳий далда бериш, уларни ҳаётга қайтадан йўналтириш, турмушнинг янги шарт-шароитларига қизиқишларини ошириш, зарур бўлса, уларга янги фаолият турларини ўқитиш билан боғлиқ геронтопедагогиканинг устунлик томонлари ҳам бугунги кун фанлари тизимида шундай хусусиятлари туфайли намоён бўлмоқда.

Геронтопедагогиканинг асосий мақсадларидан бири – бу кекса одамларга ўзлигини англашга, улардаги “мен”ни ривожлантиришга, уларнинг ибрат ва намуналаридан фойдаланиш, энг асосийси ижтимоийлашувни кучайтиришга асосий эътиборни қаратишдан иборат. Олимларнинг таъкидлашича, қачонки кексалар ўзларининг асл табиатини англасалар, жамиятнинг энг зарур қатлами эканлигини тушуниб етсалар, ёшларнинг, ёки маслаҳатга, ҳаётий тажрибани ўрганишга муҳтож қатламнинг доимий “мурожаат”ларига дуч келсаларгина, уларда кексалик давридаги ижтимоийлашув жараёнлари жадал кечади.

Инсонлар нафақага чиқиш туфайли илгари маълум бир соҳага, тармоққа ёки ҳудудга масъуллиги ёки жавобгарликдан озод қилиниши, яқин ишчи ходимлардан узоқлашиш сингари омиллар ҳам унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, “қарилик даврида кўп инсонларда ҳеч кимга кераксизлик, фойдасизлик, ички бўшлиқ, ўзига ишончсизлик, ўз-ўзидан қоникмаслик каби ҳолатлар рўй беради ҳамда у ўзига ва бировга нисбатан фрустрацияга¹, асоссиз тажовузкорликка сабаб бўлиши мумкин” [8:11-14]. Интеллект динамикасини тадқиқ қилишда россиялик олим Л.А.Рудкевичнинг таъкидлашича, “инсон ҳаётининг учинчи декадасида шахс интеллекти пасайиб боради ва 70 ёшга кирганда у тахминан 70%га етади” [7:55]. Шу билан бирга, Г.Айзенк ва Р.Стернберг сингари олимларнинг қайд этишича, инсоннинг интеллекти қанчалик паст бўлса, унинг ижодий қобилиятлари ҳам пасайиб бораверади, бунинг натижасида эса унинг ёши улғайгани сайин ижодга нисбатан қобилияти ҳам пасайиб бораверади. Шунинг учун ҳам кексаларнинг ҳаётга қизиқишини ошириш ва уларни доимий замоннинг долзарб масалаларига ўрганиш билан боғлиқ педагогик жараёнлар бугунги куннинг ҳам энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади [3:111-131]. Олим Е.И.Казаков эса бу жараёнга нисбатан куйидагича таъриф беради – субъект томонидан ҳаётнинг турли вазиятларида мақбул қарорлар қабул қилиш учун зарурий шароит яратишни таъминловчи педагогиканинг методидир. Демак, “шундай хулосага келиш мумкинки, инсон қарилик билан боғлиқ муаммоларга дуч келиш жараёнида, уларга ечим топиб, тараккий этади ва олдидаги жиддий масалаларга ақлий ёндаша бошлайди” [1:14]. Умуман олганда, аста-секин ўзининг интеллектуал салоҳиятидан узоқлашиб бораётган кексаларнинг бой тажрибаларидан нафақат ҳаёт муаммоларини ҳал қилишда, балки халқ хўжалигининг, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ҳар қандай масаласини ҳал қилишда фойдаланиш жуда муҳим ва энг асосийси, бу ҳолатни уларнинг ўзларига доимий айтиб туриш, уларнинг ижтимоийлашуви ва ҳаётдан завқланишига замин бўлишини ҳам унутмаслик лозим. Интеллектуал салоҳият

¹ лотинча frustratio — режаларнинг барбод бўлиши.

гарчи пасайиб бориши кузатилсада, уларнинг тажрибаси ниҳоятда муҳим.

Умумий тадқиқотларни кўриб чиқадиган бўлсак, шуни қайд этиш лозимки, Т.Дугарова ва И.Шахмалова сингари россиялик олимлар томонидан қариликка кадам қўяётган шахсларнинг мослашиш жараёни учун педагогик шароит яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Кексалик даврига кириб келаётган шахсларнинг ижтимоий мослашувчанлигини ошириш, уларнинг ҳаётдан завқ олиб, қарилик неъматларидан баҳраманд бўлиб яшашларини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар кенг илмий ва амалий изланишларни талаб қилади. Бу соҳада амалга оширилган ишларни, илмий ва амалий тадқиқотларни таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунга қадар айнан қарияларнинг ҳаёт тарзини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ўзгартириш билан боғланган ва муаммоларнинг ечимига доир психологик ва педагогик тадқиқотларда фалсафий ёки педагогик, минтакавий хусусиятлар етишмаслигига амин бўламиз.

Бугунги кун дунё илм-фани соҳасида айнан геронтопедагогика соҳасида фаолият олиб бораётган олимлар ва мутахассисларнинг камлиги, соҳани чуқур тадқиқ қилиш билан боғлиқ кўплаб методологик муаммолар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу соҳага тааллуқли баъзи тадқиқотларда кексалик давридаги одамларнинг ўзлигини ривожлантириш билан боғлиқ доимий кенгайиб боровчи жараёнлар, инсонни ўз-ўзини англаш, тушуниш, ривожланиш тамойилларини кўрсатиб берадиган, шунингдек, кекса ёшдаги инсонларнинг ижтимоийлашувини таъминлайдиган педагогик тизимни жорий қилишни ташкил қилиш ва оптимал ҳаёт тарзини белгилаб берадиган методологик муаммолар мавжудлиги ҳам кўрсатиб ўтилаётганлиги бежиз эмас. Энг асосийси, кексаларни муносиб ҳаёт сифати билан таъминлаш, уларни ижтимоий ҳаётнинг етакчи кучларидан бирига айлантиришга қаратилган педагогик технологияларни ишлаб чиқиш, доимий такомиллаштириш ва синовлардан муваффақиятли ўтган самарадор технологияларни кенг жорий қилиш мавзуси ҳам бугунги кунда долзарблигини унутмаслик лозим.

Кексалик мактабидан фойдаланиш, уларнинг педагогик, психологик имкониятларини тадқиқ қилиш муаммоси нафақат илмий жиҳатдан долзарб, балки улар ҳаёти муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Чунки, анъанавий жиҳатдан кексалик инсонлар томонидан ҳаётнинг тугаб бориши, қайғули эканлиги, йўқотишларга кўп дуч келиши, соғинч ва изтироблар билан ҳамоҳанглиги билан характерланади ва жуда кўп инсонлар бундай муаммоларга дучор бўладилар. Лекин геронтопедагогика, ижтимоий геронтология, геронтопсихология каби фанлар инсоннинг бу даврини – ривожланиш, мутафаккирлик, оқилу донлик, етилганлик сифатида тарғиб қилишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятли эканлигини унутмаслик лозим. Айниқса геронтопедагогика кўплаб ва турли мисоллар, технологиялар орқали кексаларда ҳаётга нисбатан қарашни ўзгартиришга қаратилган фан соҳаси эканлигидан келиб чиқиб, кексаларга қарилик даврида муваффақиятга эришган кўплаб машҳур шахсларнинг ҳаётий тажрибаларини ҳам мисол сифатида алоҳида таъкидлаб ўтадилар. Мисол сифатида Аристотелнинг айни саксон ёшга кирганда мусиқа илмини ўрганишга киришганлиги, ундан бунини сўраганда у – энди ҳаётга кадам қўйяпманку...- деган жавоблари, шунингдек, кўплаб бошқа машҳур кишиларнинг айнан шу даврда эришган катта муваффақиятлари мисолида уларнинг ҳаётларига янгича мазмун бағишлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ш у н у қ т а и - н а з а р д а н ҳам геронтопедагогиканинг кекса авлод учун, уларнинг ҳаётда муносиб ўрнини топишлари, кадрланиши ва ўзларининг ҳаётда кераклигини, ҳали олдинда истиқболли “лойиҳалар ва вазифалар” борлигини ҳис қилишлари учун уларга йўл кўрсатиш билан алоҳида ажралиб турадиган вазифаларини ҳам эътироф этмоқ лозим. Бундай вазифаларни самарали амалга ошириш учун уларни илмий ёндашувлар қаторида қариликни шунчаки давр эмас, балки катта имкониятларни билан характерланадиган “даврий босқич” эканлигини тарғиб қиладиган педагогик технология эканлиги такомиллаштириш замон талаби бўлиб қолмоқда. Шу маънода қариликка нисбатан машҳур рус олими Л.Выгосткийнинг

метаморфоза қонунини [5] каби ёндашиш ёки жорий қилиш ҳам катта натижа беради. Зеро, олим томонидан бола психикаси ривожланишининг қатор қонуниятлари ва унда болалар ривожланишининг ўзига хослиги, улардаги ҳаётга ташналик ёки қизиқувчанлик масалалари турли ёшда турлича бўлиши каби илмий ҳулосалардан кексаларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкинлигини эътироф этмоқ лозим.

ХУЛОСА

Хулоса тарзида айтиш мумкинки, инсон умрининг том маънодаги гултожиси ҳисобланган кексалик даври, унинг мазмунга бой, ҳаётий завқ-шавқларга тўла, янгиликлар ва истикболли ўзгаришлар билан боғланган даврга айлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган геронтопедагогика фанига нисбатан талабнинг тобора ортиб бораётганлиги, унга бўлган эҳтиёжни қондириш учун кўплаб педагогик ва фалсафий технологияларни яратиш, мавжудларини такомиллаштириш масалалари бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Кексалик даврини инсон ҳаётининг энг гўзал давларига айлантириш, бу борада миллий, диний, минтақавий хусусиятларни ўрганиш, тарихан шаклланган анъаналарни тадқиқ қилиш, қарияларни турли педагогик жараёнларга кенг жалб қилиш ва уларнинг ҳаётга нисбатан муносабатини бутунлай ўзгартириш лозимлиги, мумкинлиги ҳақидаги қарашлар тобора ривожланиб бормоқда.

Инсоннинг бу даврини – ривожланиш, мутафаккирлик, оқилу донлик, етилганлик сифатида тарғиб қилишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятли эканлигини унутмаслик лозим. Айниқса геронтопедагогика кўплаб ва турли мисоллар, технологиялар орқали кексаларда ҳаётга нисбатан қарашни ўзгартиришга қаратилган фан соҳаси эканлигидан келиб чиқиб, кексаларга қарилик даврида муваффақиятга эришиш учун имкониятлар кенг эканлигини доимий илмий асосланган қарашлар воситасида таъкидлаб туриш тақозо этилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Airasian P. W., Bloom, B. S., & Carroll, J. B. (1971). *Mastery Learning: Theory and Practice*. New York: Holt Rinehart & Winston. – S. 14.
2. Olga Doňková. Gerontopedagogika a její edukativní dimenze: Univerzita Tomáše Bati ve Zlíně fakulta humanitních studií institut mezioborových studií Brno. – P. 2.
3. Айзенк Г.Ю. Понятие и определение интеллекта // Вопросы Психологии, 1995. – № 1. – С. 111-131.
4. Безрукова В.С. Основы духовной культуры (Энциклопедический словарь педагога). Библиография: Екатеринбург, 2000. – 937 с.
5. Выгосткий Л. Закон метаморфозы. <https://studfile.net/preview/3975616/page:4/>
6. Рапацевич Е.С. Психолого-педагогический словарь / Минск: Современное слово, 2006. – 928 с.
7. Рудкевич Л.А. Как становятся великими или выдающимися. ISBN: 5-89939-089-1 Год издания: 2003 – С. 55.
8. Шубина Н. Болонский процесс: эксперимент по организации индивидуально-ориентированного учебного процесса в системе зачетных единиц // Новые знания. – № 1. – 2020. – С. 11-14.